

ИНТЕРФАОЛ МУҲИТ-ТАНҚИДИЙ ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Г.А.Гайназарова

Андижон вилояти ХТХҚТМО

худудий маркази “Педагогика, психология
ва таълим технологиялари кафедраси мудири”

Аннотация. Мақолада интерфаол муҳит яратиш йўллари, мазкур жараёнда тарбиячилар эътиборга олиши зарур бўлган жиҳатлар, танқидий тафаккурни ривожлантиришга хизмат қилувчи замонавий технологияларни қўллаш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар. Интерфаол муҳит, танқидий тафаккур, замонавий технологиялар, таълимий фаоллик, ҳавфсиз муҳит.

INTERACTIVE ENVIRONMENT AS A TOOL FOR THE DEVELOPMENT OF CRITICAL THINKING

G. A. Gaynazarova

Annatation. The article discusses how to create an interactive environment, aspects that educators should consider in this process, and the use of modern technologies to stimulate critical thinking.

Keywords. Interactive environment, critical thinking, modern technologies, educational activities, safe environment.

Интеллектуал - ақлий ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш таълим жараёнида боланинг ўз қобилияти, қизиқиши, имкониятлари ва тарбиячи томонидан яратилган мазмунли педагогик шароит орқали ютуқларга эришини таъминлайди. Интеллектуал жиҳатдан боланинг ривожланиши ўзининг фикрлаш фаолияти ва натижага эришганидан қониқиш ҳосил қилиши билан намоён бўлади. Машғулотларда болалар учун қулайлик яратиш турли фаолиятларнинг ўзаро алмашинуви, натижаларни

таҳлил қилиш, ўз имкониятларига ишонч ҳосил қилишга ўргатиш орқали амалга оширилади.

Тарбиячиларнинг таълим жараёнида интерфаол муҳит яратишларида куйидагиларни эътиборга олишлари талаб этилади:

- Болаларни машғулотга қизиқтириш.
- Тарбиячи ва болаларнинг қизиқишлари бир-бирига тўғри келиши.
- Қизиқарли маълумотлар бериш (лекин жуда кўп эмас).
- Услуб ва воситаларнинг хилма-хиллигига эришиш.
- Болаларни фаолликга ундаш.
- Ҳавфсиз муҳит ҳамда тарбиячи ва болаларнинг ўзаро самимий ҳаракатлари.
- Болаларнинг ўз ишлари натижаларини намойиш қила олишлари.
- Қўйилган мақсадларга эришиш.
- Болаларни олган билимларини ҳаётга татбиқ этишга ўргатиш.

Джуди Браус ва Девид Вуд “Танқидий тафаккурни акс эттирувчи фикрлаш”¹ деб билишади. Фикрлаш ўз “мен”ини англаш, объектив бўлиш, ўз нуқтаи назарини ҳисобга олган ҳолда бошқа нуқтаи назарларни қабул қила олиш ва баъзан ўз хурофотларидан воз кечиш орқали шаклланади.

Тарбиячиларнинг малакасини оширишдаги замонавий технологиялардан бири танқидий тафаккурни ривожлантиришдир.

Мазкур технологияни қўллаш жараёнида тингловчиларнинг таълимий фаолликлари ошади; мавжуд билимларидаги бўшлиқларни англайдилар ва тўлдирадилар, янги маълумотларни ўзлаштиришга хоҳиш уйғонади, мақсадни амалга оширишга тўртки берилади ҳамда мавзу бўйича мавжуд билимларини бойитиш имконияти яратилади.

Машғулот жараёни аввало тингловчиларда танқидий тафаккурни ривожлантирувчи “Чақирув” технологияси билан бошланади. Бунда

¹ Браус Дж., Вуд Д. Инвайронметральное образование в школах / пер. с англ. М.:НААЕЕ, 1994. – 103 с.

тингловчиларда ўрганиладиган мавзуга қизиқиш уйғонади, мавжуд билимларидаги бўшлиқларни тўлдиради ва англайди, фаол бўлишга интилади.

Шунингдек, тингловчиларда янги маълумотларни ўзлаштиришга хоҳиш уйғонади, мақсадни амалга оширишга турки берилади ҳамда мавзу бўйича мавжуд билимларини бойитиш имконияти яратилади.

“Чақирув” босқичини якка тартибда, жуфтликда ва гуруҳларда олиб бориш мумкин. Ушбу технологияда қуйидаги усуллардан фойдаланилади: “Кластер”, “БББ”, “Башорат қилувчи дарахт”, “Ромашка”, “Тасдиқлаш”, “Ишонасизми?”, “Ғоялар савати”, “Калит сўз”ларга қараб фараз қилиш, “Синквейн” ва бошқалар

“Кластер” методи. (шингил) Педагог томонидан мавзунинг асосий мазмунини ёритувчи сўзлар айтилади. Тингловчилар ўтилаётган мавзу моҳиятини тушуниб оладилар ва аниқлик киритадилар. Бу усул мавзунинг асосий моҳиятини ўзлаштиришда тизимли фикрлашга йўналтиради.

“БББ” методи. Бу усул мавзу бўйича маълумотларни тўплашга ёрдам беради. Ўрганилаётган саволлар бўйича билимларни кенгайтиради ва тизимга солади. Профессор-ўқитувчи тингловчиларга қуйидаги савол билан юзланади: *“Янги мавзу бўйича нима биласизлар ёки мавзу бўйича нималарни ўйлаясизлар?”*

Барча билдирилган фикрлар “Биламан” устунчасига ёзилади. Кейин қуйидаги савол берилади: *“Нималарни билишни истайсизлар?”* “Билмоқчиман” устунига тингловчилар билдирган фикрлар ёзилади. Ёзилган фикрлар дарс охиригача туради. Дарснинг охирида тингловчилар мавзу бўйича нимани ўзлаштирган бўлсалар **“Билиб олдим”** устунига ёзадилар.

“Башорат қилувчи дарахт” усули. Бу усулда мавзунинг ўзлаштиришда фаразлар ва тахмин фикрларни баён этишга туртки берилади. Бу усулни амалга ошириш қоидалари бўлиб, унда **дарахт танасига** –мавзу ёзилади; **шоҳларига**– тахмин фикрлар билдирилади “мумкин” ва “эҳтимол”

(дарахт шохлари чегараланмайди). **Дарахт баргларига** - мавзу бўйича билдирилган фикрларни асослаб, далиллар келтирилади.

“Мойчечак гули” (“Ромашка”) Бу усулда олтига баргдан иборат гул чизилади. Ҳар бир баргда аниқ йўналтирилган саволлар бўлади. Масалан:

1. **Оддий саволлар** аниқ маълумотлар асосида “Нима?”, “Қачон?”, “Қаерда?”, “Қандай?” саволларига жавоб бериш лозим.

2. **Аниқловчи саволлар.** Бундай саволлар қуйидаги сўзлар билан бошланади: “Сиз айтмоқчисизки, бунда ...?”, “Агар мен тўғри тушунган бўлсам, у ҳолда ...?”, “Мен янглишган бўлишим мумкин, лекин сиз менимча, бу... ҳақида айтдингиз?”. Саволларга жавоблар қайта алоқа сифатида ҳам берилиши мумкин. Баъзида саволлар олинган маълумотларга қараб кўзда тутилган мавзу бўйича берилади.

3. **Изоҳловчи саволлар.** Одатда **“Нима учун?”** саволи билан бошланади ва ҳақиқатга йўналтирилган сабаб-оқибатларга боғланиши керак. “Нима учун кузда дарахтлар барги сарғаяди”. Агар бу саволга жавоб аниқ берилса, у оддий саволга айлантирилади. Саволлар орқали тингловчиларни мустақил фикрлашга йўналтирилади.

4. **Ижодий саволлар.** Бу савол кўпинча истак, хошиш билдиришни намоён этади. Шартлилик, тусмолдан башорат қилиш: “Нима ўзгарган бўлар эди агар...”, “Нима бўлар эди агар ...?”, “Сиз нима деб ўйлайсиз агар...?”.

5. **Баҳоловчи саволлар.** Бу саволлар воқеа, ходиса, далилларни баҳолаш мезонларини аниқлашга йўналтирилади. “Нима учун нимадир яхши, лекин нимасидир ёмон?”, “Нима учун бир машғулот бошқасидан фарқ қилади?”, “Сиз эртак ёки ҳикоядаги асосий қахрамоннинг ҳатти-ҳаракатига қандай қарайсиз?” каби саволлар берилади.

6. **Амалий саволлар.** Мазкур саволлар назария ва амалиётни ўзаро боғлашга йўналтирилади. “Қандай қилиб амалда қўллаш мумкин...?”, “Сиз

педагогик фаолиятингиз ёки ҳаётингизда қандай кузатасиз?”, “Сиз ҳикоя қаҳрамони ўрнида қандай йўл тутган бўлар эдингиз?”.

ХУЛОСА. Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, интерфаол таълим технологиялари таълим сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш, ўқитувчи, ўқувчи, ўқувчилар гуруҳи, шунингдек, жамоа ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириш, ғоявий ва руҳий бирликка эришиш, ягона мақсад сари интилиш, ҳар бир таълим олувчининг ички имкониятларини рўёбга чиқариш, шахс сифатида намоён бўлиши учун зарур шарт-шароит ҳамда муҳитни яратишда, шунингдек, танқидий тафаккурни ривожлантиришда катта имкониятларга эга.

Адабиётлар рўйхати.

1. Браус Дж., Вуд Д. Инвайронметральное образование в школах / пер. с англ. М.:НААЕЕ, 1994. – 103 с.
2. Ф.К.Батирова, А.К.Ахмедов. Таълимни бошқаришда замонавий инновацион технологияларнинг аҳамияти. Irrigation and Melioration: Vol. 2016 : Iss. 2 , Article 17.
3. Ишмухаммедов Р., Мирсолиева М. Ўқув жараёнида инновацион технологиялар (методик қўлланма). – Тошкент-2014.
4. Международный ежегодник по технологии образования и обучения, 1978/79. Лондон, Нью-Йорк, 1978г.
5. Беспалько В.П. «Педагогика и прогрессивные технологии обучения» М.: Педагогика, 1995 г.
6. Худойкулов Х.Ж. Педагогик технология таълим самарадорлигининг асосидир. – Т.: Наврўз, 2012 й.